



Баҳоси эркин нархда

“Жахон” А

24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

Жорий йилнинг 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Ушбу сайловдан кўзланган асосий мақсад пойтахтимиз аҳолиси ўзи томонидан сайланган туман кенгашларига депутатлар орқали Тошкент шаҳрида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг ривожини таъминлашдан иборатдир. Ушбу сайлов мамлакатимизда ҳаракатда бўлган сайлов қонунчилиги асосида ўтказилиб, унинг муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Аввало, шуни айтиш керакки, демократиянинг асосий тамойили сифатида вақти-вақти билан сайловларнинг ўтказилиб турилиши ҳар бир давлат тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Демак, пировард мақсадимиз бўлиши демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда сайловлар муҳим мезон ролингни ўйнайди. Эркин сайловлар орқали фуқаролар ўзлари муносиб деб билган шахсни Президент лавозимига, парламентга ёки маҳаллий давлат вакиллик органларига депутат сифатида сайлайдилар, давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти вакиллик органларини ташкил этишда иштирок этадилар.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сайлов жараёнларини ҳуқуқий тартибга солувчи ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқининг асосий манбаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлиб, унинг 117-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир сайловчи бир овозга эгадирлар. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади”, деб белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 16 апрелдаги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига қўшимча киритилиб, Марказий сайлов комиссиясига конституциявий мақом берилди.

Сайловларни демократик тамойилларга мувофиқ ўтказилишида сайлов ҳуқуқига бағишланган халқаро ҳужжатлар стандарт ва эталон вазифасини бажаради. Сайлов муносабатларини тартибга соладиган шундай халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига биринчи навбатда БМТ томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан

нашиш, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали даврий сайловларда овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

2002 йил 7 октябрда қабул қилинган МДҲга аъзо давлатларнинг “Демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқи ва эркинликлар стандартлари тўғрисида”ги Конвенциясида фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига, маҳаллий ўз-

МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

1991 йил 30 сентябрда ратификация қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қарариди. Ушбу халқаро ҳужжатга кўра, ҳар бир инсон ўзи яшаётган давлатнинг бошқарувида бевосита ёки эркин сайланган вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

БМТ томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган яна бир муҳим халқаро ҳужжат – Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактидир. Унга мувофиқ ҳар бир фуқаро камситишларсиз ҳамда асоссиз чекловларсиз, ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қат-

ўзини бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари, сайловчиларнинг эркин хоҳиш-ирода билдиришини таъминловчи, умумий, тенг сайлов ҳуқуқи билан яширин овоз бериш асосидаги сайловларнинг мунтазамлиги, мажбурийлиги, одилоналиги ва эркинлиги тамойиллари кафолатланган.

Миллий сайлов қонунчилигимиз нафақат халқаро миқёсда тан олинган сайлов стандартлари талабларига мос келади, балки у хорижий мамлакатлар сайлов қонунчилигидан бир қатор афзал жиҳатлари билан ҳам ажралиб туради. Булар, биринчидан, мамлакатимизда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун мустақил орган, яъни Марказий сайлов комиссияси ташкил этилган ҳамда у ўз фаолиятини доимий равишда амалга ошириб, иккинчидан, Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш нафар депутати тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади, яъни сайловчилар бевосита депутатликка номзодга овоз беради. Учинчидан, сайловларнинг аниқ даврий муддати Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан мустақамлаб қўйилган, тўртинчидан, фуқаролар сайлов ҳуқуқининг кафолатларига доир махсус, яъни “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994 йил) Қонун қабул қилинган, бешинчидан, фуқаро сайловчилар рўйхатида киритилиши учун Ўзбекистон фуқароси бўлиши керак. Мамлакатимизда сайлов қонунчилигига мувофиқ, фақат суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда қатнашмайдилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги ва улар асосида ўтказиладиган сайловлар барча халқаро сайлов ҳужжатлари ва стандартлари талабларига тўла мос келади. Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги халқаро ҳуқуқнинг умумтан олинган қоидалари, ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибаси ва халқимизнинг миллий менталитетини ўзида муҳассам этиб, у сайловларни очик, холис, эркин, адолатли ўтказишини, фуқароларга давлат ишлари бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади.

Муҳаммади УСМОНОВ,
юридик фанлари доктори



ОЛИЙ ТАЪЛИМ УЧУН ЯНГИ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжумани “Олий таълим муассасаларини янги ўқув адабиётлари билан таъминлаш: амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги устувор вазифалар” деб номланди.

Унда вазирликнинг мутасадди раҳбарлари, тегишли бошқарма ва бўлим бошлиқлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида энг янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларидан кенг фойдаланган ҳолда олий таълим дастурларини янада такомиллаштириш, сифат жиҳатдан янгиланган бўлиши, таълим муассасаларини замонавий ўқув-услубий ва илмий адабиётлар билан таъминлаш ва хорижий адабиётларни харид қилиш, таржима қилиш асосида ахборот-ресурс марказлари фондларини доимий янгиланган бўлиш вазифалари юклатилган.

Қарорда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларини янги ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси тайёрланди.

Жорий йилда олий таълим муассасаларини замонавий адабиётлар билан таъминлаш мақсадида марказлаштирилган тартибда 463 номдаги хорижий ўқув ва илмий адабиётлар келтирилди.

Анжуманда Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги томонидан замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёни такомиллаштирилаётгани ҳамда электрон кутубхона хизматларини кенгроқ жорий этиш, масофавий таълимни ривожлантириш бўйича амалий ишлар олиб борилаётганлиги таъкидланди.

Биргина Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида бу борада самарали натижаларга эришилмоқда. Жумладан, ЮНЕСКО билан ҳамкорликдаги лойиҳа доирасида университетда “Илмий ахборотлар маркази” ташкил этилиб, зарур техника воситалари билан таъминланди.

TEMPUS лойиҳаси доирасида чет эл университетлари билан ҳамкорликда “Ахборотлаштириш ва кутубхонашunoslik” соҳасидаги магистрлар учун янги дастур ишлаб чиқилди. Ўқув масканлари дастурий ечимларни автоматик текширув тизими – act.tau.uz яратилган бўлиб, у дастурлашга оид фанларни ўқитиш ва баҳолашда фойдаланилади. Ҳозирда тизимда ўн етти мингдан зиёд фойдаланувчи рўйхатдан ўтган. Уларнинг асосий қисми университет ва унинг худудий филиаллари талабалари ҳисобланган.

Тадбирда янги ўқув адабиётларини яратиш ва жорий қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳамда истиқболдаги вазифалар хусусида сўз юритилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Қарор ва ижро

ОНЛАЙН НАЗОРАТ-КАССА МАШИНАСИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Бугунги кунда назорат-касса машиналари савдо ва барча тифадаги хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларининг қонуний фаолият юритишида зарур восита ҳисобланади. Президентимизнинг 2017 йил 29 сентябрдаги “Фискал хотиринали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ушбу йўналишдаги ишлар сифатини янада юксалтириш, ҳисоб-китобни тезкор амалга ошириш ва тизим назорат функциясини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, айрим тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини қайтариш, нақд пул тушумлари билан банк кассаларига топширмадан яшириш мақсадида ҳаридорларга назорат-касса машинаси чекини бермаслик, уни атайин носоз ҳолатга келтириш, фискал хотиридаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, назорат-касса машиналарини йўқотиш орқали бажарилган товар айланмалари тўғрисидаги маълумотларни сохталаштириш каби ҳолатлар ҳамон кузатишмоқда.

Шу боис давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда илғор автоматлаштирилган таҳлил услубларини кенг жорий қилиш, солиқ тўловчиларга, энг аввало, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатишга тўлиқ ўтиш солиқ тизимини ислох этишининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Маъмур фармон билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги “Фискал хотиринали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори муҳим дастуруламал бўлди.

Маъмур қарорга мувофиқ, 2018 йилнинг январьдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида 500 тадан 1000 тагача бўлган онлайн назорат-касса машиналари тажриба-синнов тартибидеда амалиётга жорий этилади. 2018 йилнинг 1 июлидан ушбу ҳудудлардаги юридик шахслар, 2018 йилнинг 1 декабрдан бошлаб эса барча юридик ва жисмоний шахслар товарларни реализация қилиш, ишларини бажариш ҳамда хизматлар кўрсатишда аҳоли билан нақд пулдаги ҳисоб-китобларнинг мажбурий тарзда фақат онлайн назорат-касса машиналарини қўллаш ҳолда амалга оширишга босқич-ма-босқич ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Онлайн назорат-касса машиналаридан келиб тушадиган фискал маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва Давлат солиқ қўмитасига узатиш фискал маълумотлар оператори томонидан амалга оширилади.

Маъмур қарорнинг ижроси билан касса чекидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига автоматик тарзда онлайн узатиб бериш тизими йўлга қўйилади. Натижада республикада марказлашган тарзда электрон маълумотлар базаси яратилади.

лади ва назорат-касса машиналаридан фойдаланмаётган савдо шохочалари онлайн аниқланиб, тезкор чоралар кўриш имконияти яратилади.

Шунингдек, онлайн назорат-касса машинаси орқали хариддорларга берилган чеклар ҳақидаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, тушум суммасини қайтариш, рўйхатдан ўтмаган назорат-касса машинасида фойдаланиш, бузиш ёки иккиламчи бухгалтерия юритиш каби салбий ҳолатларга чек қўйилади.

Бундан ташқари, назорат-касса машиналарининг касса чекларидаги рақамлар уникал (такрорланмайдиган) бўлганлиги сабабли уларни сохталаштиришнинг олди олинади.

Қолаверса, тадбиркорлик субъектларига тўғридан-тўғри мулоқотсиз электрон хизмат кўрсатилиб, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнига замонавий ахборот технологияларини татбиқ этишнинг янги босқичга кўтарилиши таъминланади. Тадбиркорлик субъектларининг нақд пул тушуми билан боғлиқ фаолиятига аралашши ҳамда турли назорат тадбирлари ўтказилиши эса қамаяди.

Энг муҳими, бундай янгиланишлар иқтисодийётимиз барқарорлиги, аҳоли турмуш фаровонлиги ва манфаатлари ҳимояланишига хизмат қилади.

Ғ.ДОСМУҲАМЕДОВ,
Яккасарой туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИДА ТАРМОҚЛАРНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИГА ЗАМИН ЯРАТИЛМОҚДА

Ҳозирги вақтда бутун дунё бўйича ёқилги энергетика ресурслари танқис бўлган даврда электр энергиясини тежашга катта эътибор қаратилмоқда.

2017-2018 йил куз-қиш даврида жойларда электр тармоқлари корхоналари томонидан аҳолига, тадбиркорлик субъектларига, саноат корхоналари ва ўқув-тибб биёт муассасалари ҳамда ташкилотлар тасарруфидида электр ускуналари ва қозонхоналар куз-қиш даврида электр энергиясини билан узлуксиз таъминланиши бўйича “Ўздавэнегроназорат” давлат инспекциясининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан жойига чиқиб ўрганилмоқда.

Ҳар биримиз қиш мавсумида хонадонларда электр энергиясини иситиш мақсадида турли ускуналардан фойдаланиш ҳолларининг гувоҳи бўламиз. Ушбу ҳолатда электр энергиясини самарасиз фойдаланиш шундан иборатки, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг аксарияти газ, кўмир, мазут ёқиб, қўллаб харажатлар, йўқотишлар эвазига истеъмолчиларга етказиб берилади. Истеъмолчилар эса жойида электр энергиясини зарур вақтда ишлатишдан ташқари уларни иситишда ҳам фойдаланиб, ана қайта иссиқлик энергиясига айлантирадилар.

Афсуски қиш мавсумида хонадонлар ва тадбиркорлик субъектлари иш жойларини иситишда қўлда ясалган, хавфсизлик қоидалари талабларига жавоб бермайдиган иси-

тиш асбобларидан фойдаланиш ҳоллари мавжуд. Ушбу ҳолатларда электр токидан зарарланиш оқибатида охири ўлим билан тугайдиган бахтсиз воқеалар ҳам юзга келиши мумкинлигидан кўз юмолмаймиз.

Юқоридагиларга кўра тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ўз корхоналарида электр хўжалиги бўйича маалаки, жавобгар шахс тайинлаш лозимлиги, бу билан хўжалик юритувчи субъектларда юзга келиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодиса, авария ва ёнғин ҳолатларининг олди олинишини эслатиб ўтмоқчимиз.

Бу билан биз электр энергиясидан самарасиз фойдаланиш оқибатида электр энергиясини тўлиқ етказиб бериш учун қўшимча газ, кўмир, мазут сарф қилинишининг олди олинишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Истеъмолчилар томонидан электр энергиясини кўп миқдорда ишлатилишининг олдини олиш ва электр энергиясидан самарали фойдаланиш йўлида ҳар биримиз куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўришимиз зарур.

Алишер ТИРКАЧЁВ,
“Ўздавэнегроназорат” давлат инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори



• Бухоро вилояти Олот туманида Конституциямизнинг 25 йиллиги муносабати билан “Конституция – бахтимиз қомуси” шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

• Термизда “Давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришда Омбудсманнинг роли” мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Қорақалпоғистон Республикасида фермер, деҳқон хўжаликларини ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ва тизимга бозор муносабатларини кенг жорий этишни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган амалий семинар ўтказилди.

• Тошкент вилоятининг Қибрай туманида “Ўзбекистонда жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асослари” мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва унда кўрсатилган вазифаларни ёшларга тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

• Андижонда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, бошқаруш ва мажбурий меҳнат шаклларида йўл қўймаслик, бу борада қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳуқуқий меъёрлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, ушбу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ролинни ошириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• Қаршида “Ватаним равнақи-га менинг ҳиссам!” шиори остида ёш тадбиркор, фермер ва хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг худудий кўرғазмаси бўлиб ўтди.

• Хоразм вилоятида маҳалларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш механизмларига бағишлаб ўқув-семинарларга ўтказилди.



• Ямандаги авиазарба оқибатида 26 тинч фуқаро ҳалок бўлди. Ҳалок бўлганлар сони ошаиш мумкин.

• Россияда ўз-ўзини қувватлантирувчи iPhone X яратилди. Янги корпус қурилмага орқа панелга ўрнатилган махсус фотосезувчан пластина ёрдамида ёруғликдан қувват олиш имконини беради.

• Ҳиндистонда трансформатор портлаши оқибатида 14 киши ҳалок бўлди.

• Янги Jeep Wrangler'нинг дастлабки суратлари пайдо бўлди. Алюминийдан фойдаланилгани ҳисобига автомобиль 200 килограммга енгилроқ бўлиши кутилмоқда.

• Россиянинг Владимир вилоятидаги қўл балиқлари билан бирга ер остига ғойиб бўлди. Бу ҳодиса мазкур туманда кечаётган карст ҳосил бўлиш жараёни тўғрисида янги маълумот берди.

Спорт янгиликлари

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ҚИТЪАДА
САККИЗИНЧИ ЎРИНДА

ФИФА ташаббуси билан миллий терма жамоаларнинг октябрь ойи учун янги рейтинг жадвали натижалари эълон қилинди.

Футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш турнири учинчи босқичини муваффақиятсиз якунлаган Ўзбекистон миллий терма жамоамиз янги рейтингда 76-погонага лойиқ қўрилди. Аввалги рейтингларда қитъа миқёсида олтинчи ўринни эгаллаб келган миллий терма жамоамиз бу саралаш Осиёда саккизинчи жамоа деб эътироф этилди.

Умумжаҳон миқёсида кучли учлиқдан Германия, Бразилия ва Португалия терма жамоалари ўрин эгаллашган.

УЧРАШУВ САНАСИ МАЪЛУМ

Футбол бўйича жорий йилги Ўзбекистон кубоги финал баҳсида "Локомотив" ҳамда "Бунёдор" жамоалари бош саврин учун ўзаро куч синашишларидан мухлислар хабардор, албатта.

Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизмати хабарига кўра Биллур соврин учун кечадиган баҳс "Бунёдор" стадионида 4 декабрь куни уюштирилади. Эътиборли жиҳати шундаки, ЎФФ ҳамда БАА футбол уюшмаси ўртасида тузилган ҳамкорлик меморандуми туфайли "Бунёдор"

ҳамда "Локомотив" жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон кубоги финал учрашуви БААлик ҳакамлар бригадаси бошқарадиган бўлди. Ўйинни Мухаммад Абдулла Ҳасан бош ҳакам сифатида бошқарса, қанотларда унга ватандошлари — Мухаммад Ҳасан ал-Махрий ҳамда Мухаммад Аҳмад

Юсуф ал-Ҳаммадий ёрдам беришади. Аммар Али ал-Жунайдий тўртинчи ҳакам вазифасини бажаради.

Дарвоқе, учрашув байрамона тус олиши учун ЎФФ ва ПФЛ ҳамкорлигида ўйиндан олдин мухлисий шоу-дастур ташкил этилади.

Акбар Йўлдошев



ФУТБОЛИМИЗ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда болалар, ўсмирлар ва оммавий футболни янада ривожлантириш мақсадида янги бошқарма ЎФФ қошида ташкил этилди.

Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарияти ташаббуси билан федерация қошида Болалар, ўсмирлар ва оммавий футбол бошқармаси фаолият бошлади. Ушбу бошқарма 10, 14, 16, 18 ёшли болалар ва ўсмирлар тер-

ма жамоаларини шакллантириш, уму-ман, ёш чарм тўп усталарининг маҳоратлари юксалишига амалий ёрдам кўрсатади. Бошқармага болалар спорт мутахассиси Маъмур Саидқосимов раҳбарлик қилади.

Мутахассис маслаҳати

ЎЗИДАН АСОРАТИ ЁМОН

Грипп касаллигига мавсумийлик хос, асосан куз-қиш-баҳор ойларига тўғри келади. Ушбу мавсумларда касалликнинг ортишига ҳаво ҳароратининг пасайиши, юқори нафас йўллари яллиғланиши касалликларининг кўплиги, организмдаги витаминлар танқислиги сабаб бўлади.

Грипп вирусларини тарқатувчи асосий манба грипп билан касалланган бемор одам бўлиб, у касалликнинг 2-3 кунларида атрофдагилар учун жуда хавфли бўлади. Касаллик кўпинча ҳаво-томчи йўли билан юқади. Бемор акса урганда, йўталганда, гаплашганда сўлак томчилари билан грипп вирусларини атроф-муҳитга тарқатади. Грипп билан барча ёшдаги кишилар касалланади, айниқса заиф (нимжон) болалар, кекса ёшдаги кишилар, ҳомилдорлар ҳамда сурункали хасталиклари бўлган ҳамда тамаки чекувчи шахсларга тез юқади ва уларда оғир ўтиб, кўпгина асоратларга олиб келиши мумкин.

Касаллик эт увишиши, тана ҳароратининг (39-40 °C гача) кўтарилиши, бош оғриги, мусқалардаги оғриқлар билан бошланади. Кейинчалик тангай муртақларининг қизариши, бош айланиши, иштаҳасизлик, бурун битиши, оғрикли йўтал кузатилади. Бу ҳолат 2-7 кунгача давом этиб, даво муолажалари олинса ҳамда яхши парвариш қилинса, бемор ўзини яхши ҳис қила бошлайди. Халқ орасида гриппнинг ўзи эмас, балки унинг асорати ёмон деган фикр бежиз айтилмаган. Баъзилар грипп касаллигига эътиборсизлик билан қарайдилар, яъни уни оёқда юриб ўтказдилар ёки ўз билганича нотўғри даво муолажаларини қиладилар. Бундай ҳолатларда ўпка тўқималари яллиғланиши (зотилжам), мия пардасининг яллиғланиши (менингит), мия пардасини ва моддасининг яллиғланиши (менингоэнцефалит), қўлоқнинг яллиғланиши (отит), бурун ёндош бўшлиқларнинг яллиғланиши (синусит) каби оғир асоратлар кузатилади. Касалликнинг олдини олиш чоралари қуйидагилардан иборат. Уюшган жамоаларда (мактаб, концерт заллари, иш жойлари, кинотеатрлар, умумий транспорт воситалари) 4 қаватли доқада тикилган нибобда юриш тавсия қилинади. Яшаш хоналарини вақти-вақти билан шамоллатиб, исирик тутатиб туриш керак бўлади. Кўпроқ очик ҳавода сайр қилиш, гриппга қарши вакцина билан эмлаш, грипп касаллигига қабул қилинадиган даво муолажалари фақат шифокор тавсиясига кўра бўлиши лозим. Оилада бирор кишида грипп касаллигига шубҳа бўлганда уни ишга, мактабга, мактабгача таълим муассасаларига, жамоат жойларга юбормаслик, беморни атрофдагилардан алоҳидалаш, яшаш хоналарини вақти-вақти билан шамоллатиш, исирик тутатиш жоиздир.

Ҳар бир шахс кун тартибига риоя қилиши, ҳаракатли машқлар, танани кўйида тоблаш, сув муолажалари билан танани мунтазам равишда чиқатириш, мева ва сабзавотлардан вақтида кўпроқ истеъмол қилиб туриш, мавсумга мос кийиниш, грипп касаллиги билан касалланган беморларга ва соғлом инсонларга суюқликлар (малина, смородина, лимон ва асал қўшилган чой, иссиқ сут, наъматак дамламаси) ичиш тавсия этилади.

Кундалик турмушда юқорида айтиб ўтилган тавсияларга амал қилинса, ҳар биримиз грипп касаллигининг олдини олишда ўз ҳиссамизни қўшган ва ўзимизни ҳамда атрофдаги ҳамюртларимизни грипп ҳамда юқори нафас йўллари уткир респиратор хасталиклари билан асраган бўламиз. Соғлигингиз ўз қўлингизда. Уни доимо авайлаб-асрашга ҳаракат қилинг. Зеро, инсон бахти, саодати ва қамоли унинг саломатлигига боғлиқдир.

Зухра САМИКОВА,

Олмасор туманидаги 20-сонли оилавий поликлиниканинг умумий амалиёт шифокори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Чилонзор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Яковлева Эллианора Рабинович номига берилган турар жой учун Чилонзор тумани, 10-даха, 11-уй, 43-хонадон кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Олмасор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Карабаева Сайёра Абдужалилова номига берилган турар жой учун Олмасор тумани, Қора-қамиш 2/1, 20-уй, 9-хонадон кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 1135

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
Факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4021 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бунича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтамтига" — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.10

ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ
ОЛИБ БОРИЛДИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-сонли академик лицейда "Ёшлар диний экстремизм, терроризм ва гиёҳвандликка қарши" шиори остида тадбир ташкил этилди.

Унда Яққасарой туман ҳокимлиги, Тошкент ислом университети, туман прокуратураси, миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар бошқармасидан вакиллар ҳамда академик лицейнинг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган мақсад, ўқувчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни диний экстремизм, терроризм ҳамда гиёҳвандлик каби турли оқим ва иллатлар домига тушиб қолмаслигига қаратилган.

Сўзга чиққанлар турли ёт роғлар домига тушиб қолиш, зарарли иллатларга ружу қўйишнинг нечоғли ёмон оқибатларга олиб келиши, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши, бундан ташқари, инсон саломатлиги, унинг турмуш тарзи, оилавий ҳаётининг издан чиқишига таъсир этиши ҳақида гапириб, ўқувчиларга тушунчалар бериб ўтдилар.

Дарҳақиқат, биз шиддат билан ўзгариб бораётган, таҳликали даврда яшамокдамыз. Бир томондан уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик, одам савдоси каби таҳдидлар бўлса, иккинчи томондан ахборот хуружи, диний экстремизм ва миссионерлик ҳаракатлари тинчлик ва оқошхалликка ўз таъсирини ўтказмоқда. Бу иллатлар аллақачон халқаро муаммога айланиб бўлди. Шундай пайтда ҳар биримиздан оғоҳлик ва серғаклик талаб этилади. Турли вадаларга алданиб қолмадан ва вақтинчалик даромади деб, қарам бўлиб қолмадан эътиёт бўлиш зарурлиги ўқувчиларга ўқитиб ўтилди.

Мамлакатимизда ёшларни турли оқимлар ва зарарли иллатлар домига тушиб қолмасликлари учун олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, телевидение орқали намоиш этилаётган кўрсатувларга қарамай ҳамон билиб-билимай хато қилаётганлари учраб турибди. — дейди Яққасарой туман ИИБ терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўлими бошлиғи, майор Раҳимиддин Турганов. — Бундай тадбирлар орқали ўқувчиларимизни янада ҳушёрликка чақириб, ҳар хил иллатларга нисбатан иммунитетини кучайтириш, уларга бу иллатларнинг оқибатларини содда ва тушунарли қилиб етказишни кўлаганмиз. Шунингдек, ёшларга гўзал ва бетакорр диёримизда яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, эзгу мақсадлар сари интилиб яшаш лозимлигини ўқитиб бормокдамыз. Улайманики, бу борада қилинаётган ишлар эртанги кун авлодларини салбий иллатлардан ҳимоя қилишда ижобий самара беради.

Абдуалим САЛИМОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

2-Тошкент юридик коллежи Ижтимоий муҳофаза қилиш ҳуқуқшуноси ва Ҳуқуқшунос йўналишлари бўйича умумий ўрта маълумот (11-синф) ва ўрта махсус, касб-хунар маълумотиغا эга шахсларнинг ҳужжатларини тўлов-шартнома асосида 2017 йилнинг 15 ноябрга қадар қабул қилимоқда. Ўқиш истагини билдирганлар қўйидаги ҳужжатларни топширади — 1) Шаҳодатнома, 2) 0.86-У шаклидаги тиббий маълумотнома, 3) 3х4 ўлчамдаги 6 донга фотосурат, 4) Турар жойдан маълумотнома, 5) Паспорт нусхаси.

Мурожаат учун тел: 278-82-65, 273-85-92.

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, 41-сонли умумтаълим мактабининг 6-блок бизнесини жорий таъмирлаш учун таъкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Бошланғич нархи 39 000 000 сўм.
Тақлифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун тел: +99898 124-08-11.

"Яшнобод тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Ҳамитова Хуррият Гуламова номига берилган Яшнобод тумани, Наврўз кўчаси, 64-уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТИФ Миллий банки Шайхонтоҳур ф-л томонидан "Ўзбекистон Кураш федерацияси"га 09.08.2011 йилда берилган 5789026-050-сонли чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислар институти томонидан 2004 йилда Мирзаев Мансур Холбўтаевич номига берилган В №146788-сонли бакалавр дипломи ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталари жамоаси таҳририят ходими Маъфура Содиковани воқоиди муқарраман

СОНИЯ АЯНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент банк коллежи жамоаси колледж директори Азамат Махмудовга воқоиди муқарраман

РОХИЛА БАХРОМОВА МАХМУДОВАНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



метр тезликда эсади.
Ҳарорат кечаси — 14-16, кундузи — 20-22
даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг
мониторинг хизмати
маълумотига кўра, 3 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 3 ноябрь кун ҳаво ўзгариб туради, кечқурун ёмғир ёғиши эҳтимоли мавжуд. Шарқдан гарбга йўналишни ўзгартирган шамол секундида 3-8 метр, кучайган ҳада 15-20 метр тезликда эсади.